



(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Ishtixon sh., Ishtixon ko'chasi Тел/факс (03-66) 629-22-72 iishtixon@sud.uz Ishtikhon city, Ishtikhon street

Ўзбекистон Республикаси номидан
ХАЛҚАРАВИЙ ИҚТИСОДИЙ СУД МАЖЛИСИ
ҚАРОРИ

2022 йил 06 декабрь Иштихон тумани 4-1403-2201/1062-сонли иш

Иштихон туманлараро иқтисодий суди судьяси Н.М.Умаровнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ў.Ҳайитовнинг суд мажлиси котиблигида, аризачи СВДСБнинг, жавобгар «МСД» МЧЖнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида киритган аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни, Иштихон туманлараро иқтисодий судининг биносида очиқ суд мажлисида, СВДСБ вакили [REDACTED] (2022 йил 06 декабрь кунги 23-112421-сонли ишончнома асосида) иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,-

АНИҚЛАДИ:

Аризачи СВДСБ Иштихон туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар «МСД» МЧЖнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришни сўраган.

Аризада баён қилинишича, жавобгар томонидан 2022 йил 3-чорак фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботи жорий йилнинг 22 ноябрь кунига қадар солиқ органига тақдим этилмаган. Мазкур ҳолат юзасидан белгиланган муддатларда солиқ ҳисоботини тақдим этиши ҳамда банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб турилиши тўғрисида жавобгарнинг электрон шахсий кабинетига электрон шаклда сабаблари кўрсатилган ҳолда 2022 йил 26 октябрь куни хабарнома юборилсада, аммо жавобгар томонидан солиқ ҳисоботи тақдим этилмаганлиги маълум қилинган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили судга тушунтириш бериб, «МСД» МЧЖ томонидан 2022 йил 3-чорак фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботи жорий йилнинг бугунги кунига қадар солиқ органига тақдим этилмаганлигини, мазкур ҳолат юзасидан белгиланган муддатларда солиқ ҳисоботини тақдим этиши ҳамда банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб турилиши тўғрисида жавобгарнинг электрон шахсий кабинетига электрон шаклда хабарнома ҳамда огоҳлантириш хати юборилсада, бироқ жавобгар томонидан солиқ ҳисоботи тақдим этилмаганлигини билдириб, буни тасдиқловчи маълумотномани судга тақдим этди.

Белгиланган тартибда суд иш муҳокамаси кунидан хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмади ва ўз ишончли вакили иштирокини ҳам таъминламади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 128-моддасига биноан, агар суд иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиси ўрига юборилган ажримнинг кўчирма нусхасини олганлиги ёки ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа усулда хабардор қилинганлиги тўғрисида суд мажлиси бошлангунига қадар маълумотларга эга бўлса, ушбу иштирокчи тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади.

Иқтисодий суд ишларини иш иштирокчиси қуйидаги ҳолларда ҳам суд томонидан тегишли хабардор қилинган деб ҳисобланади, агар:

ажрим йўлланган шахс ажримнинг кўчирма нусхасини олишни рад этган ва ушбу рад этиш қайд этилган бўлса;

суд томонидан юридик шахснинг судга маълум бўлган охириги жойлашган ери (почта манзили), фуқаронинг яшаш жойи бўйича юборилган ажримнинг кўчирма нусхаси олувчи кўрсатилган манзилда йўқлиги сабабли топширилмаган ва бу ҳақда алоқа муассасаси судни хабардор қилган бўлса;

ажримнинг кўчирма нусхаси суд томонидан электрон почта орқали ёки хабардор қилинганлик фактини тасдиқловчи бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда юборилган кундан эътиборан уч кун ўтган бўлса.

Мазкур Кодекснинг 170-моддасига кўра, Ишда иштирок этувчи шахсларга суд даъво аризаси юзасидан тақдим этишни таклиф қилган ёзма фикр ёки қўшимча далиллар тақдим этилмаганлиги ишни мавжуд материаллар бўйича кўришга тўсқинлик қилмайди.

Иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган даъвогар суд мажлисига келмаса, даъвогарнинг ишни унинг йўқлигида кўриш тўғрисидаги аризаси бўлган тақдирда, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Мазкур ҳолатда суд, иш муҳокамасини жавобгар иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Ишдаги ҳужжатлардан ва суд жараёнида аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, ҳақиқатдан ҳам жавобгар «МСД» МЧЖ томонидан 2022 йил 3-чорак фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботи жорий йилнинг 22 ноябрь кунига қадар солиқ органига тақдим этилмаганлиги, мазкур ҳолат юзасидан белгиланган муддатларда солиқ ҳисоботини тақдим этиши ҳамда банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб турилиши тўғрисида жавобгарнинг электрон шахсий кабинетига электрон шаклда сабаблари кўрсатган ҳолда 2022 йил 26 октябрь куни хабарнома юборилганлиги, аммо жавобгар томонидан солиқ ҳисоботи тақдим этилмагани маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасига кўра, Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича

операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилиниши мумкин қадар тўхтатиб турилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.

Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1) ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда;

СВДСБнинг 2022 йил 10 ноябрь кунги қарори билан, жавобгар «МСД» МЧЖ нинг ҳисобварақлари 10(ўн) кун муддатга тўхтатиб турилган.

Аризачи томонидан судга 2022 йил 06 декабрь кунги 23-112417-сонли маълумотномаси тақдим этилган бўлиб, унда «МСД» МЧЖ нинг 2022 йил 3-чорак фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботи бугунги кунга қадар ҳам тақдим этилмаганлиги билдирилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига кўра, аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича иқтисодий судларда давлат божи тўлашдан озод қилинган.

Бундай ҳолатда, суд иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, аризачи вакилининг кўрсатмасини тинглаб, аризани қаноатлантиришни, жавобгар «МСД» МЧЖнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришни, жавобгардан давлат божини ундирмасликни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддаси ва Иқтисодий процессуал кодексининг 170, 118, 176-179,186-моддаларига асосланиб, суд

Қ А Р О Р К И Л Д И:

Аризачи СВДСБнинг жавобгар «МСД» МЧЖга нисбатан берган аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар «МСД» МЧЖнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операциялар (фуқаролик қонунчилигига мувофиқ биринчи навбатда

кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонунчиликка мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақлар мустасно) 2022 йил 3-чорак фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этгунга қадар тўхтатилсин.

Жавобгар «МСД» МЧЖга хизмат курсатувчи барча банклар ҳисоб рақамлар бўйича операцияларни тўхтатиб тўришга сабаб бўлган ҳолатлар жавобгар томонидан тўлиқ раф этилгандан сўнг, давлат солиқ органи томонидан тақдим этилган ёзма кўрсатмаси (қарори) асосида ҳисобварақлар бўйича операциялар тўхтатилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томонлар ўн кун муддат ичида Иштихон туманлараро иқтисодий суди орқали Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида шикоят беришга ҳақли.

Судья

Н.М.Умаров